

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
“Нуронийлар” санаторияси
харид комиссияси раиси

Б.Камалов
«19» окт 2022 йил

Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш
ва меҳнат фахрийлари учун “Нуронийлар”
санаториясига телевизор ва музлатгич етказиб
берувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

“Нуронийлар” санаторияси Телевизор ва музлатгич сотиб олиш учун энг яхши тақлифларни танлаш эълон килади.

1. Танлов предмети Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун “Нуронийлар” санаторийсига телевизор ва музлатгич етказиб бериш

1.2. Товар бўйича техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3 Товарни етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддатда етказиб берилади .

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЛАРИ

2.1. Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун “Нуронийлар”санаторийси (бундан кейин - «Буюртма» деб аталади) -танлов ташкилоти ҳисобланади .

2.2 «Буюртмачи» манзили Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Дехқонобод кўчаси 34

2.3. Танлов «Буюртмачи» томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади .

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Етказиб берувчининг тўлиқ юридик манзили, банки ва реквизити, телефон рақами, гувоҳнома, тижорат тақлиф
- Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ идорасини маълумотномаси
- Товар учун кафолат хати.
- Виждонсиз изжочиларнинг ягона реесторида турмаслиги тўғрисида маълумотнома.

3.3 Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- Қайта ташкил этишлиш (ажратилиш кушилиш) тугатиш еки банкротлик арафасида турганлар;
- мол-мулки мусодара қилинганлар ва муассислик келишув, молиявий иштирок холдинг ва бошқа шаклда ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар ҳамда нархи 10 % фоиздан ошиқ сунъий туширилган тақлифлар

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1 Иштирокчилар ўз тақлифларини электрон қўриниишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириш лозим.

4.2. Танлов учун тақлифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник кием, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва товарни ўз вақтида етказиб бериши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, тўловларни тақдим этилиши мумкин, якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар түлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (Товар бўйича түлиқ маълумот, Товар расми илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Буюртмачи танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан буюртмачига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida буюртмачи, агар мазкур сўров буюртмачига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларнинг қоидаларига доир тушунишилар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни ўкуриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичida маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг буюртмачига танлов натижаларига доир тушунишиларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хақли. Буюртмачи бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичida танлов иштирокчисига тегишли тушунишиларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатадиган шартлар асосида тузилади.

Лавозим

Ф.И.Ш.